ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Шухрат Хасанович* Алиев**
Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи полковник

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти билан бир биридан ажралиб туриши. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижага бошқа тури орқали эришиш мушкул ва самарасиз ҳисобланади. Шу жиҳатдан, профилактик чора-тадбирларнинг ташкил этилишида мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, унга нисбатан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирнинг турини аниқ белгилаб олиш кўзланган натижага эришишда муҳим аҳамиятлари кенг ёритилган.

**Калит сўслар:** Жамият, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, сабаб ва шароит, ҳуқуқбузарликка мойил шахс.

## ABSTRACT

In this article, each type of crime prevention is distinguished by its role and importance in the implementation of preventive measures. It is difficult and inefficient to achieve the result that can be achieved by implementing one type of crime prevention through another type. In this regard, the importance of achieving the desired result in the organization of preventive measures, based on the current situation and a clear definition of the type of preventive measures to be taken against it, is widely highlighted.

**Keywords:** Society, antisocial behavior, delinquency, crime, cause and effect, person prone to delinquency.

## КИРИШ

Мазкур тоифадаги шахслар ўз навбатида алоҳида назоратга ва тарбияга муҳтожлигидан келиб чиқиб, улар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик ишлари ташкил этилади ва бу ўз навбатида уларни нормал турмуш тарзига қайтаришда муҳим ахамият касб этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактика объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Хусусан, бу борада профилактика субъектлари ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), маънавийруҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

Шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриижтимоий хулқ-атвор эканлигини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфининг мавжудлигини англаб етиш ва хавфсизлик чорларини кўриш ишонтиришдир.

Ишонтириш муайян ибратли ҳаракатлар (фаолият) ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикрлар орқали амалга оширилиши мумкин. Дарҳақиқат, ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда асосий принциплардан бири сифатида «ишонтириш усулининг устуворлиги»нинг киритилиши мазкур усулнинг аҳамияти ва долзарблигини янада оширди. Бу эса ишонтириш усули ишлаб чиқилаётган ҳар бир профилактик чора-тадбирларда ва уларнинг амалга оширилишида ўз ифодасини топмоғи лозимлиги талабини қўяди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг «рағбатлантириш» усули айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш кабилардан иборат.

Рағбатлантириш профилактик таъсирнинг муҳим усулларидан бўлиб, шахснинг ижобий қарашларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рағбатлантириш моддий, маънавий ёки ҳуқуқий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан ва жиноий ниятларидан қайтаришдан иборат.

Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

1) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш;

2) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари маъмурий назоратни ечиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш;

3) жиноят содир этган шахснинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиниб, шартли ҳукм қўллаш;

4) озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларни ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;

5) ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

6) муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, шунингдек белгиланган муддатнинг камида ярми ўталган бўлса, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья томонидан корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

7) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

8) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мажбуран риоя қилдириш мақсадида «мажбурлаш» усули ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда кўринади.

## МУҲОКАМА

Жиноят одатда тасодифан, айниқса қасддан амалга ошириладиган жиноятлар тасодифан содир этилмайди, аксинча, бундай жиноят содир этувчиларнинг илгари кўп ҳолларда узоқ давом этадиган ғайриижтимоий хулқ-атвори, қонунларни ҳурмат қилмаслиги, унга нисбатан олиб борилган тарбиявий ишларнинг самарасизлиги ва ахлоқан тузалиш йўлига ўтмаслиги оқибатида содир этилади.

этишга мойил, шунингдек ҳуқуқбузалик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувини таъминлайди.

- ҳудудда ҳар бир содир этилган жиноятни қисқа муддатларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилади, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайди ҳамда келгусида содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларидан ўтишда ўрнатилган тартибни бузишга мойил шахсларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома асосида қайтган, йўқотилган паспорт, яшаш гувоҳномаси ўрнига янгисини олиш учун мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан суҳбатлар ўтказади.

- хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг ўз вақтида ҳисобга қўйилишида туман мудофаа ишлари бўлимига кўмаклашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига риоя қилишлари устидан назоратни амалга оширади ва ҳисобини юритади.

- тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади, белгиланган тартибда ахборот-маълумотнома ва криминалистика ҳисоби, картотека ҳамда коллекцияларни юритади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига биноан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қуйидаги чора-тадбирлардан иборат: - профилактика суҳбати ўтказиш;

- расмий огоҳлантириш;

- ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

- профилактик ҳисобга олиш;

- мажбурий даволанишга юбориш;

- маъмурий назорат.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига биноан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- профилактика суҳбати ўтказиш;

- расмий огоҳлантириш;

- ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

- профилактик ҳисобга олиш;

- мажбурий даволанишга юбориш;

- маъмурий назорат.

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқатвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

## НАТИЖАЛАР

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворни ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

Профилактик ҳисобга олиш «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари комплексидир.

## ХУЛОСА

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоиймаиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқатворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

## REFERENCES

1. Указ Президента Республики «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года №УП-4947

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00987

2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию уголовно-исполнительного законодательства» от 7 ноября 2018 г.,№ ПП-4006
3. Витина М. Д. Административно-правовое регулирование в сфере исполнения уголовных наказаний : материалы межвуз. круглого стола (Рязань, 23 апр. 2013 г.) / под общ. ред. Д.А. Гришина. - Рязань: Академия ФСИН России, 2013. -1,1 п.л.
4. Павлов И.Н. Дифференциация и индивидуализация исполнения наказаний при изменении условий отбывания наказания в виде лишения свободы // Уголовно-исполнительная система сегодня: взаимодействие пауки и практики: мат. Междупар. науч.-практ. конф. (Новокузнецк, 27-28 нояб. 2018 г.) / под ред. А.П. Полуэктова, А.Г. Антонова. - Новокузнецк: ФГОУ ВПО Кузбасский институт ФСИН России, 2008.
5. Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере исполнения наказаний, связанных с лишением свободы» от 11 августа 2017 г., № ПП-3200